



Аллоҳнинг чегараларида турувчи ва уни кечиб ўтган кишининг мисоли, бир кемага чиққан қавмга ўхшайди. Баъзилари устки қисмига ва баъзилари эса остки қисмига тўғри келдилар

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг чегараларида турувчи ва уни кечиб ўтган кишининг мисоли, бир кемага чиққан қавмга ўхшайди. Баъзилари устки қисмига ва баъзилари эса остки қисмига тўғри келдилар, Остки қисмидагиларга сув керак бўлса юқоридагилар олдидан ўтар эдилар. «Биз остидан бир тешик қазисакда, юқоридагиларга зиён бермасак», - дедилар. Агар ўз ҳолларига қўйиб қўйсалар, барчалари ҳалок бўладилар. Агар қўлларидан тутсалар, анавилар ҳам, юқоридагилар ҳам нажот топадилар», - дедилар.

[Тўғри матн] [Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳудудларида турувчи, Аллоҳнинг амрида қоим туриб, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчиларнинг мисолини келтирдилар. Аллоҳнинг чегараларини кечиб ўтган, маъруф ишларни тарк қилиб, мункар ишларни қилишнинг ҳалқ орасидаги асоратига ҳам зарбул масал айтдилар. Уларнинг мисоли кемага минган қавмга ўхшайди. Ким кеманинг устида қолиши ва ким остига кириши учун қуръа ташладилар. Баъзиси устки қисмига ва баъзиси эса остки қисмига тўғри келди. Остидагилар сув олмоқчи бўлсалар устидагиларнинг олдидан ўтар эдилар. Остки қисмидагилар: Биз ўзимиз турган жойнинг остини тешиб, ўша ердан сув ичиб, устидагиларимизга озор бермас эдик», - дедилар. Агар устидагилар уларни ўз ҳолларига ташлаб қўйсалар, барчалари кема билан бирга чўкиб кетади. Агар уларни қўлларидан тутиб, қайтарсалар, барчалари нажот топадилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3341>